# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 1 (18.179). • 1 январь 1982 йил, жума • Баҳоси 3 тийин.

ЕР ЮЗИНИНГ ОСМОНИ ОСОЙИШТА БЎЛСИН!




Рассом А. Жабборов.

# СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКНОМАСИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Бир неча минутдан сўнг Кремль куранти янги, 1982 йил бошланганини билдириб бонг уради. Ҳозир ҳар бир совет кишиси тугаган йилга фикран назар ташлаб, келажакка умид билан боқмоқда. 1981 йил айниқса салмоқли бўлди, совет халқи олдида янги тарихий истиқболлар очган партия XXVI съезди шу йилда бўлиб ўтди, бу йил зўр ижодий ишлар билан, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кескин кураш билан ўтди. Съезд қарорларини бутун халқ маъқуллаб кутиб олди ва муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Тугаб бораётган йил оғир ва мураккаб бўлди: об-ҳаво бизни эркалатиб қўйгани йўқ, халқаро вазиятнинг ривожи ташвишга солиб турди. Шундай бўлса ҳам мамлакат коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида комил ишонч билан олға силжиганини англаш қувончлидир.

Кенг социал программа планли равишда рўёбга чиқарилмоқда. Миллион-миллион кишилар янги уйларга кўчиб ўтдилар. Кўп болали оилаларга, ишловчи оналарга ва янги келин-куёвларга давлат ёрдами кўпайтирилмоқда, пенсия таъминоти яхшиланмоқда. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ортмоқда, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайтирилмоқда.

Металлурглар ва шахтёрларнинг, нефтчилар ва энергетикларнинг, машинасозлар ва химикларнинг, тўқимачилар ва озиқ-овқат саноати ходимларининг, қурувчилар ва транспортчиларнинг, колхозлар ва совхозларнинг кўплаб коллективлари зарбдор, серунум меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Олимлар, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ходимлари, совет спортчилари янгидан-янги қувончли ютуқларга эришдилар.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар бўлсин! Моддий ва маънавий бойликларни кўпайтираётган, Ватан қудратини мустаҳкамлаётган, унинг чегараларини сергак туриб қўриқлаётган ҳамма кишиларга чин юракдан раҳмат айтамиз.

Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг тарихий қарорлари, ўн биринчи беш йиллик режалари бажарилишига шак-шубҳа йўқ. Меҳнаткашлар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлиги, совет халқининг юксак сиёсий активлиги ва меҳнат-ғайрати, унинг КПСС Марказий Комитети, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашганлиги бунинг гаровидир. Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлиги — совет жамияти енгилмас куч-қудратининг манбаидир, коммунистик қурилишдаги янги муваффақиятларнинг гаровидир.

Азиз ўртоқлар!

Икки мақсад: коммунистик бунёдкорлик ва ер юзида тинчликни сақлаб қолиш биз учун энг юксак мақсадлар бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу мақсадлар бир-биридан ажралмасдир. Партия билан ҳукумат совет кишиларининг тинч турмушини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан ўтказмоқдалар, реакцион кучларнинг кирдикорларига қатъий зарба бермоқдалар, қуролланиш пойгасини жиловлашга, қуролсизланишга қаратилган чораларни зўр ғайрат билан амалга оширмоқдалар. Совет Иттифоқи инсониятни термо-ядро фалокати хавфидан халос қилишдан ҳам олижаноброқ ва инсонпарварроқ вазифа йўқ, деб ҳисоблайди.

Шу Янги йил кечаси биз чет эллик ўртоқларимиз ва дўстларимизга, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашларига, планетада империализмга ва реакцияга қарши, инсониятнинг моддий ва маънавий кучларини хатарли равишда телбаларча исроф қилишдан иборат бўлган қуролланиш пойгасига қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кишиларга қизғин қутловлар йўллаймиз, тинчлик ва бахт-саодат тилаймиз.

Бепоён Советлар диёрида янги йил бошлаганига ўн соат бўлди. Севикли Ватанимиз, унинг миқёси, одамлари, зафарлари нақадар буюк, қудратли ва кўркам экани шу дақиқаларда айниқса чуқур ҳис этилмоқда.

Мамлакат 1982 йилга, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилга зўр умид, ижодий куч ва ғайрат билан қадам қўймоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети шунга аминдирларки, совет кишилари юбилей йилини планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан иш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш билан нишонлайдилар, юксак уюшқоқлик, ишчанлик, интизомлилик, бутун кучни сарфлаб меҳнат қилиш маҳоратини кўрсатадилар.

Қаҳрамон ишчилар синфини, шонли колхозчи деҳқонларни, халқ зиёлиларини Янги йил билан астойдил табриклаймиз.

Партия, революция, уруш ва меҳнат ветеранларига, совет хотин-қизларига, ёшларга, армия ва флотнинг шавкатли жангчиларига Янги йил саломларини йўллаймиз.

Янги йил кечаси меҳнат постида турган, жанговар вахтани адо этаётган, Ватандан олисда ишлаётган барча кишиларга сидқидилдан муваффақиятлар тилаймиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда, ижодда шонли зафарлар ёр бўлсин, азиз дўстлар! Ҳар бир совет хонадонида шод-ҳуррамлик ва байрамона кайфият ҳукм сурсин!

Ер юзининг осмони осойишта бўлсин!
Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз ўртоқлар!
Сизларга бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети бутун совет халқи номидан Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Фидель Кастро Русга, Куба Компартияси Марказий Комитетига, Куба Республикасининг Давлат Кенгашига ва Министрлар Советига, бутун Куба халқига миллий байрам — Озодлик куни муносабати билан самимий қутловлар йўлладилар.

Мана, 23 йилдирки, шонли революция байроғи Озодлик ороли узра ҳилпираб турибди, дейилади телеграммада. Куба халқи шу байроқ остида ўз Коммунистик партияси раҳбарлигида социалистик қурилиш йўлида дадил олға бормоқда, экономика, фан, маданиятни ривожлантиришда, ёш авлодни тарбиялашда янги марраларни эгалламоқда. Революцион ривожланишнинг ҳар йили Социалистик Кубани янада кучлироқ қилмоқда, унинг халқи моддий фаровонлиги ўсишига кўмаклашмоқда.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб жамиятни қайта қуриш ишида Кубанинг бой тажрибаси мустақил ривожланиш ва чуқур социал-иқтисодий ўзгартишлар йўлига кирган кўпгина мамлакатлар учун зўр амалий қимматга эгадир. Давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли, одилона муносабатлар учун, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини эркин белгилаш ҳуқуқи учун, ирқчиликка ва янги мустамлакачиликка қарши, империалистик зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай шаклларига қарши изчиллик билан курашаётган Кубанинг тинчликсевар ташқи сиёсати зўр обрў-эътибор қозонди, меҳнаткаш, ватанпарвар, интернационалистик Куба халқи дунёда юксак ҳурматга сазовор бўлди.

Қардош Кубанинг социализм қурилишидаги муваффақиятлари, унинг принципиал ташқи сиёсати империализм агрессив доираларини дарғазаб қилмоқда. Кубага қарши АҚШда авж олдириб юборилган кампанияни, қаҳрамон Куба халқини чўчитиш йўлидаги уринишларни мамлакатингизнинг дўстлари, барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар ғазаб билан кутиб олдилар.

Иккала партия, иккала давлат ва иккала халқ ўртасида марксизм-ленинизм ҳамда социалистик интернационализмнинг метин принципларига асосланган дўстлик ва қардошлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланмоқда. Замоннинг ишончли синовидан ўтган бу алоқалар халқларимизнинг, барча қардош социалистик мамлакатларнинг чуқур манфаатларига, тинчлик ва социал тараққиёт ишига мос бўлиб тушмоқда.

Телеграммада Куба Коммунистик партиясининг II съезди ўртага қўйган бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишда, социалистик Куба суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш соҳасида сарфланаётган куч-ғайратларда республиканинг барча меҳнаткашларига янгидан-янги муваффақиятларга эришиш истаги изҳор этилади. (ТАСС).

## АЛЁР

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

Аччиқ майлар вақти ўтди, чамамда,
Паркент «Гулранг»идан қуйинг
бир хўплам!
Ёр билан сайр этай сокин чаманда,
Ёр билан ҳатто қиш — ям-яшил кўклам.

Бу бахтни сизга ҳам истайман, дўстлар,
Умрингиз бир лаҳза ўтмасин ёрсиз.
Буни Бахт кайфини сурган чол сўзлар:
— Ёр борми! Демак, сиз дунёда борсиз!

Янги йил кечаси орзулар тошар,
Эзгу-туйғуларни этамиз баён.
Мавзу кўп ва лекин бари туташар:
Ҳиссиз дил йўқлиги бўлади аён.

Достонлар, романлар ёзилган нега,
Нега нашр этилган шеърий тўпламлар!
Бари бағишланган ёрга, севгига,
Барида — муштоқлик, гулзор,
кўкламлар...

Ёрни фақат ёшлик рамзи демангиз!
У ҳолда, «олтин тўй» хаёл экан-да!
Умрбод сузади кўнгил кемангиз,
Ёрингиз сурати яшнаб елканда!

Ёрни бир кўрай деб, олис қитъага,
Ҳатто, қутбларга йўл олганлар бор.
Айтинг, ким ёр учун ғазал битмаган!
Не куйларга солмас ошиқларни ёр!

Барибир, ёр даркор, ёр жуда даркор,
Одамнинг севгисиз ўлиши бешак.
Донолардан қолган бундай мақол бор;
«Дарди йўқ кесаг-у, ишқи йўқ — эшак».

Янги йил кечаси жаҳон интизор:
Пойтахтлар, кемалар ,фазо, қутблар.
Шодми, бахтиёрми олисларда ёр!
Етиб борармикан унга мактублар!

Гарчанд ёнимдадир ёрим бу кеча,
Лекин, дил-дилимдан интизор бўлдим.
Қўлимдаги қадаҳ — қипқизил ғунча,
Паркент «Гулранг»идан фақат бир
қултум...

Ҳеч нарса тенг келмас бунинг таъмига,
Фақат — ёр лабининг нозик гул иси.
Мен буни ичаман ёрлар шаънига,
Сиз учун, курранинг эй, миллиард қизи!

Уруш тўпларининг овози ўчсин,
Тирик жон қолмасин диёрсиз, ёрсиз.
Жаъми соғинганлар бир-бирин қучсин,
Ахир, сиз меҳнат-у, бахтга тайёрсиз.

Ёрга қараш керак ёр кўзи билан,
Ўзгалар англамас висол маъносин.
Ошиқлар қодирдир қалб сўзи билан
Мангу яшнатишга севги дунёсин.

Паркент «Гулранг»идан қуйинг бир
хўплам,
Ёр билан ҳатто қиш — ям-яшил кўклам...

## МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

«Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирларидан

### КОМПЛЕКС ИШГА ТУШИРИЛДИ

Олмалиқ химиклари йилига 450 минг тонна маҳсулот берадиган сульфат кислотаси комплексини фойдаланиш учун қабул қилиб олдилар.

«Узбекшахтострой» тресги қурувчиларининг, республика Монтаж ва махсус қурилиш министрлиги пудратчи коллективларининг зарбдор меҳнати зое кетмади. Комплекс ғоят қисқа муддат ичида — нормадаги 24 ой ўрнига 12 ойда қуриб битказилди.

Бу муҳим қурилишда қурувчилар ва монтажчилар амалга оширган оригинал техник ечимлар туфайли иш тезлатилди. Оғир машина-ускуналарнинг бир қисми цех қуриб битказилмасдан илгариёқ очиқ ҳаводаги фундаментларга ўрнатилган эди.

Янги комплекс ишга туширилиши билан Олмалиқда кислота ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди ва аммофос ишлаб чиқарувчи асосий технологик линияларни сульфат кислотаси билан батамом таъминлашга имкон беради. Шундай қилиб сифатли мураккаб ўғит ишлаб чиқариш йилига 640 минг тонна кўпаяди.

Олмалиқлик химиклар комплексни муддатидан илгари лойиҳадаги қувватга етказиш ва шунинг ҳисобига беш йилликнинг иккинчи йилида Ўрта Осиё колхоз ва совхозларига планга қўшимча 80 минг тонна аммофос юбориш мажбуриятини олдилар.

### ҒИЖДУВОННИНГ ИПИ

Янги йил арафасида Ғиждувон ип йигириш фабрикаси ишга тушди.

КПСС XXV съезди номидаги Бухоро тўқимачилик комбинатининг янги филиали корпуси район марказининг чеккасида атиги бир йилда қад кўтарди. Унинг цехларида ўрнатилган 33.900 урчуқ бир йилда 400 тонна калава беради. Пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорларнинг фарзандлари қадимги Ғиждувон учун янги бўлган тўқимачилик касбини эгаллаб, станокларни юргиза бошладилар. Улар ҳунар-техника билим юртларини битириб чиқдилар. Мамлакатнинг энг яхши тўқимачилик фабрикаларида иш ўргандилар.

Ғиждувон ипи Вобкент тўқимачилик фабрикасига юбориб турилади. Бу корхона ҳам Бухоро комбинатининг филиали бўлиб, бир неча кун аввал ишга туширилганди.

### ЯНГИ УЙЛАР

Қаттиқ зилзиладан зарар кўрган Назарбекда қурилган 4 та янги уйга 170 оила кўчиб кирди. Фарғона, Наманган ва Бухоро бинокорлари зилзила оқибатларини тугатиш программасига биноан шу уйларни қуриб битказдилар.

«Узградострой» бирлашмаси республиканинг кўпгина шаҳарларидаги корхоналари Тошкентга ўзининг энг яхши қурилиш бригадаларини юборди, уларни барча зарур техника билан таъминлади, йиғма конструкциялар ва безак материаллар бетўхтов етказиб турилишини йўлга қўйди. Шундай қилиб, «Узградострой» зилзила оқибатларини тугатиш ишига 25 минг квадрат метр саҳнли уй-жой билан ҳисса қўшди.

### САМАРҚАНД «СНЕЖИНКА»СИ

Самарқанд холодильник заводи кўплаб ишлаб чиқаришга киришган янги «Снежинка» холодильниклари республика магазинларига юборила бошланди.

Янги маҳсулот — бундан аввал чиқарилган модель — «Самарқанд» аппаратлари шаънига харидорлар билдирган кўпдан-кўп танқидий мулоҳазаларга коллективнинг амалий жавобидир. Иш камераси 240 литрга борадиган «Снежинка»нинг герметиклиги оширилган, музхонаси ярим автоматик эритиш системаси билан таъминланган. Совитиш температураси минус 6 градусдан минус 12 градусгача пасайтирилган бўлса-да, электр энергия сарфи аввалгидек қолаверди. Янгилик Бутуниттифоқ рўзғор электр машиналари ва приборлари илмий-тадқиқот институтининг давлат синов марказида (Киев) имтиҳондан яхши ўтди.

Харидорлар бу йил 120 мингта «Снежинка» оладилар.

